

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ВА ЎЗБЕК ЭСТРАДА МУСИҚАСИ РИВОЖЛАНИШИ: ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК ВА МАДАНИЙ ЎЗЛИК МАСАЛАЛАРИ

Исмоилова Камола
МЭСИ магистранти

Аннотация Ўзбек: Мақолада XXI асрда сунъий интеллект технологияларининг ўзбек эстрада мусиқасига таъсири таҳлил қилинади. Сунъий интеллект мусиқий ижодда техник имкониятларни кенгайтурса-да, ижодий индивидуаллик, миллий интонация ва маънавий чуқурликни тўлиқ акс эттира олмаслиги асосланади. Муаллифлик ҳуқуқи, ижрочилик маданияти ва маданий ўзлик масалалари сунъий интеллект контекстида кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, ўзбек эстрадаси, ижодий индивидуаллик, миллий интонация, маданий ўзлик

Abstract: The article analyzes the impact of artificial intelligence technologies on Uzbek pop music. Although AI expands technical possibilities in music creation, it cannot fully represent creative individuality, national intonation, and emotional depth. Issues of authorship, performance culture, and cultural identity are discussed in the context of artificial intelligence.

Keywords: artificial intelligence, Uzbek pop music, creative individuality, national intonation, cultural identity

XXI асрда рақамли технологиялар жадал ривожланиши натижасида сунъий интеллект (СИ) нафақат техник соҳаларда, балки бадий ижод тизимида ҳам фаол қўлланила бошлади. Айниқса, мусиқий ижод соҳасида СИ асосида куй, аранжировка, мусиқий матн ва ҳатто вокал ижросини моделлаш имкониятлари пайдо бўлди.

Бу ҳолат мусиқанинг онтологик табиати, (мусиқанинг онтологик табиати деганда — мусиқа қандай мавжуд, у инсон онгидами, товушдами, маданиятдами деган масалалар тушунилади), ижод субъекти ва бадий қадр-қиммати масалаларига нисбатан янги ёндашувларни талаб этмоқда.

Замонавий тадқиқотларда СИ мусиқачилар учун янги имкониятлар очаётгани таъкидланади. Масалан, инглиз тадқиқотчилари Н. Ма ва ҳаммуаллифлар қуйидагича ёзадилар: “AI technology provides music practitioners with innovative tools and methods, offering new possibilities for creativity and efficiency.” Бу фикрнинг ўзбекча таржимаси қуйидагича: «Сунъий интеллект технологиялари мусиқачиларга инновацион восита ва усулларни тақдим этиб, ижодкорлик ва самарадорлик учун янги имкониятлар очади» (Ma et al., 2025).

Анъанавий мусиқашуносликда ижод жараёни инсон тафаккури, ҳиссиёт ва ижтимоий тажриба билан боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Ижодкор ўз шахсий ҳаётий тажрибаси, муҳити ва ички кечинмалари орқали асарга маъно бахш этади. Сунъий интеллект эса алгоритмлар, статистик моделлар ва катта ҳажмдаги

маълумотлар таҳлилига таянади. Шу сабабли, СИ томонидан яратилган мусиқий маҳсулот инсон ижодига хос маънавий чуқурликни тўлиқ акс эттира олмайди. Бундан ташқари, инсон ижоди ижтимоий жараёнлар, маданий анъаналар ва тарихий хотира билан узвий боғлиқ. СИ эса маълумотлар базасида мавжуд бўлган намуна ва шаблонлардан келиб чиқади. Шу боис, унинг ижоди кўпроқ қайта ишлаш ва тақлид қилиш характерига эга бўлиб, оригиналлик масаласи доим баҳсли бўлиб қолмоқда.

Ўзбек эстрада мусиқасининг шаклланиши ва ривожланишида ижрочининг шахсий овоз тембри, талаффуз маданияти, миллий лад-ритм тизими ҳамда сахнавий қиёфаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу омиллар миллий маданиятнинг мусиқадаги ифодаси ҳисобланади. Ботир Зокиров ижодида миллий вокал мактаби ва жаҳон эстрада эстетикасининг уйғунлиги кузатилган. Кейинги авлод хонандалари ижодида эса миллий интонация устувор мезон сифатида сақланиб қолди. Юлдуз Усмонова ижодида фольклорга хос интонацион бурилишлар, халқ қўшиқларига яқин ладлар замонавий аранжировка билан уйғунлашган. Озодбек Назарбеков қўшиқларида эса маънавий мазмун, диний-ахлоқий образлар ва халқона оҳанглар эстрада жанри доирасида талқин этилган.

Замонавий тадқиқотларда рақамли технологиялар ижрочиликка таъсир кўрсатаётгани таъкидланади. Масалан, У. Жунълинь қўйидагича ёзади: «Бу усуллар минглаб мусиқий асарларни таҳлил қилиш ва янги композициялар яратиш имконини бериб, ижрочиларнинг ижодий ривожланишини қўллаб-қувватлайди.» (Жунълинь, 2025). Бироқ бу “ижодий ривожланиш” инсон ҳиссиёти, миллий тажриба ва ижтимоий муҳит билан бойитилмаса, юзаки ва стандартлашган ҳолда қолиб кетиши мумкин.

Сунъий интеллект ижодий индивидуалликни асосан ташқи услубий белгилар орқали тақлид қилади. У инсон ижросига хос ички драматургия, эмоционал ўзгаришлар ва ижтимоий контекстни ҳис қилиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун СИ томонидан яратилган мусиқа услубий жиҳатдан ўхшаш, аммо маънавий жиҳатдан юзаки бўлиб қолмоқда.

СИ тизимларининг кўпчилиги ғарб оммавий мусиқаси намунаси асосида ўқитилгани сабабли, улар яратаётган мусиқа умумжаҳон поп-услуга мойил бўлади. Бу эса миллий мусиқий мактаблар, жумладан ўзбек эстрадаси учун жиддий хавфдир. W. Ма қўйидагича ёзади: “Artificial Intelligence has become an influential force in music, reshaping traditional paradigms of creativity.” Бу фикрнинг ўзбекча таржимаси: «Сунъий интеллект мусиқа соҳасида кучли таъсир этувчи омилга айланиб, ижодкорликнинг анъанавий моделларини қайта шакллантирмоқда» (Ma, 2025).

Бироқ бу “қайта шакллантириш” жараёни ҳар доим ҳам миллий мусиқий ўзликни сақлашга хизмат қилмайди.

Ўзбек мусиқасига хос бўлган мақом ладлари, микротонал силжишлар, синкопаланган ритмлар СИ алгоритмлари томонидан чекланган даражада ўзлаштирилади. Натижада рақамли муҳитда тарқалаётган қўшиқларда миллий

музиқий колорит заифлашиб, универсал музиқий моделлар устун келмоқда. Бу ҳолат маданий гомогенлашув жараёнининг музиқий ифодаси сифатида баҳоланади.

Сунъий интеллект иштирокида яратилган музиқий асарларда муаллиф ким, деган савол ҳозирги пайтда очиқ қолмоқда. Агар музиқа инсон иштирокисиз яратилган бўлса, унинг ҳуқуқий мақоми мураккаблашади. Ўзбек музиқий маданиятида муаллифлик нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий ва маънавий категория ҳисобланади. Қўшиқ муаллифи жамият олдида маънавий масъулиятга эга ижодкор сифатида қабул қилинади. Шу нуқтаи назардан, сунъий интеллектни мустақил ижод субъекти сифатида тан олиш миллий музиқий анъаналарга зид келади. Бундан ташқари, СИ томонидан яратилган асарлар орқали плагиат, услубни ноқонуний тақлид қилиш ва овозни сохталаштириш каби муаммолар ҳам кучайиши мумкин.

СИ орқали овозни синтез қилиш технологиялари маълум хонандалар тембрини тақлид қилиш имконини бермоқда. Бу ҳолат ижрочилик маданиятига янги хавфларни келтириб чиқармоқда. Ўзбек эстрада мактабида овоз тарбияси, талаффуз, нафас олиш техникаси ва саҳнавий маданият устувор ўрин тутаяди. Ижрочининг овози унинг шахсийлиги, ҳаётий тажрибаси ва руҳий ҳолати билан чамбарчас боғлиқ. СИ эса ушбу элементларни фақат техник даражада қайта ишлаб чиқиши мумкин, аммо ижрочининг шахсий руҳий ҳолати ва маънавий таъсирини тўлиқ узатишга қодир эмас.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, сунъий интеллект ўзбек эстрада музиқасида қуйидаги йўналишларда чекланган тарзда қўлланилиши мақсадга мувофиқ:

- аранжировка ва овоз ёзиш жараёнларини техник оптималлаштириш;
- музиқий таҳлил ва таълим жараёнларида ёрдамчи инструмент сифатида;
- архив материалларини рақамлаштиришда.

СИни мустақил ижодкор сифатида қабул қилиш эса миллий музиқий ўзликни заифлаштириши мумкин. Шу сабабли, рақамли технологиялар ва миллий анъаналар ўртасида мувозанат сақлаш долзарб вазифадир.

Мақолада сунъий интеллект технологияларининг ўзбек эстрада музиқасига таъсири таҳлил қилинди. Аниқландики, СИ ижодий индивидуаллик, миллий интонация ва ижрочилик маданиятига жиддий хавф туғдириши мумкин. Шу билан бирга, уни оқилона, назоратли ва чекланган тарзда қўллаш ўзбек эстрада санъати ривожини учун ёрдамчи восита бўлиши мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ma H., Yang L., Chen X. Exploring the Impact of Artificial Intelligence on Music Creation. 2025.
2. Herremans D., Chew E. Machine Learning and Music Generation. ACM Computing Surveys, 2020.

3. Sturm B., Ben-Tal O. Artificial Intelligence in Music: Challenges and Opportunities. Journal of New Music Research, 2019.

4. Жуньлинь У. Влияние цифровых технологий и искусственного интеллекта на исполнительское искусство. – 2025.

5. Ma W. Artificial Intelligence and the Transformation of Music Creativity. – 2025.

6. Қодиров А. Ўзбек эстрада мусикасида миллий интонация масалалари. – Тошкент, 2021.